

3.2. Хисоб-китоб ракамига маблаглар келиб тушгач «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га («Истеъмолчи»нинг махсус автотранспортида ёки ижарага олинган автотранспортида олиб кетилиши мумкин. Бунда автотранспортлар барча талабларга жавоб берган тақдирда рўхсат этилади) махсулотларни махсус автотранспортларда етказиб беради.

#### 4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефт махсулотини олиб чиқишни қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали нефть махсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

#### 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть махсулоти учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.

5.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Етказиб берувчи» асоссиз равишда нефть махсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори етказиб берилмаган нефть махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть махсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаган ва ҳақозо... оқибатидаги зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ёки ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шароитлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть махсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефть махсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Етказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть махсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть махсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Етказиб берувчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга биноан қўлланилади.

6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш туғрисидаги қонун ҳужжалари талабларига амал қилади.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайритабiiй ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НКИЗ ларнинг, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТЙКнинг айби билан ёки махсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юкори